

Энергетика назорати – тежамкорлик кафолати

(Боши 1-саҳифада)

Айниқса, Сирдарё вилоятида электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришилиши, ишлаб чиқарилган энергияни истеъмолчиларга сифатли узатилишини ҳамда истеъмолчилар томонидан энергиядан оқилона ва самарали фойдаланишида, шунингдек энергиядан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қондаларига риоя

борлиги аниқланди. Улардан самарали фойдаланиш учун керакли тавсиянома-лар берилди. 16 та ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтган давр мобайнида шаклланиб келган 10350,7 минг сўмлик дебитор қарздорлик энерготайминот қорхоналари ҳисобига ундирилди. 9049,7 минг сўм қайта ҳисоб-китоб қилиниб, электр тармоқлари қорхонаси фойдасига ундирилди.



этилишида инспекциянинг Сирдарё худудий бўлими томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда гап нафақат текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар тўғрисида, балки нуқсонларни вақтида жойида бартараф этиш ишларини изчил олиб бориш ҳақида борапти. Мисол учун, ўтган ўн ой мобайнида назорат остидаги 43 та ҳўжалик юритувчи субъектларда 1178 та камчиликлар аниқланиб, 986 таси бўлим назоратчилари назорати остида, текширишлар давомида жойида бартараф этилди. Ушбу субъектларда 1365,7 минг кВт.с электр энергияси ички иқтисодий захиралари

Айрим қорхона, ташкилотлар мутасаддиларининг укув-сизлиги сабабли авария ҳолатлари вужудга келади. 9 та ана шундай ҳолатларнинг олди олинди. 26 та ҳолат бўйича 160 м кВт.с электр энергиясидан самарасиз фойдаланиши, 37 та ҳолат бўйича 1068,9 минг кВт.с электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишларнинг олди олинди.

Энергиясиз тараққийоти тасаввур қилиш қийин. У катта меҳнат ва ҳаражат эвазига ҳосил қилинади. Энергия исрофгарчилигига йўл қўйиб бўлмайди, лекин айрим қорхоналар раҳбарлари бунга эътибор бермаётганлар.

Бундай ҳолатлар Бобўв туманидаги "Боязид" хусусий фирмасида, "Бобўв" ПТК ХЖда ва Сардоба тумани электр тармоқларида ҳам содир этилган. "Сирдарё ЭТ" ОАЖ тасарруфидоги шўҳар ва туман электр тармоқлари мутасадди ходимларининг бепарволиги, ўз ишига эътиборсизлиги сабабли етказиб берилган электр энергияси учун пул тўловлари

етарли даражада амалга оширилмаган. Жумладан, Сайхунобод, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Сирдарё туманлари ва Гулистон шаҳар электр тармоқларининг раҳбарлигига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Текширишлар натижасида электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлиги учун 29 та ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан аниқланган ҳолатлар бўйича 8177,7 минг сўмга иқтисодий жазо чоралари кўрилди. Ҳўш, бу ҳолатлар нималардан иборат?

Электр энергиясидан иситиш мақсадида рухсатсиз фойдаланиши, ҳисоблагичларнинг схемаси бузилганлиги, энергиядан самарасиз фойдаланганлиги, инсон ҳаётига бевосита хавф туғдирувчи, электр ва технология усқунларини авария ҳолатларига олиб келувчи омиллар учун иқтисодий чоралар кўрилди.

Иқтисодийнинг турли соҳаларида ёқилги-энергетика ресурсларининг беҳуда сарфланиши олдини олиш айна пайтда долзарб масала эканлиги ва унинг моҳиятини истеъмолчиларга тушунтириш борасида бўлимнинг катта инспектори У.Шералиев, инспектор У.Аҳмадуловларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқдир. Вилоятда ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, энергияни иқтисод қилишга қаратилган чоратadbirlarнинг бажарилиши назорат қилиб, керакли тавсиялар беришда катта инспектор Я.Шиназаровнинг хизматларини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу соҳада вилоят бўйича 17 миллион кВт.с электр энергияси тежалиб, 650 миллион сўм иқтисод қилишга эришилди. Тизимдаги объектларда техника хавфсизлиги қондаларига риоя этилишига йўналтирилган тадбирлар ижросини назорат қилишда техник инспектор У.Холматовнинг ўзига хос хизматлари бор.

А.ЖАБОРОВ,
"Ўздавэнегронзорат" инспекцияси Сирдарё бўлими бошлиғи,
Ш.ХОЛМАТОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сирдарё вилояти

Пахтакор туманидаги "Анвар-А" фермер ҳўжалиги раҳбари, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими" Анорбой Эшматов 1997 йилда 75 гектар ерда фермер ҳўжалиги ташкил этган. Натижалар йилдан-йилга ўнганиб бори. Мутахассислиги ҳисоб-иқтисодчи, далада кўзи пишган. Ернинг паст-баландини яхши билганлиги сабабли фермерликнинг биринчи йилдаёқ ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга киришди. 13 километр узунликдаги зовур, 2 километр узунликдаги ёпиқ дренажни тозалади.

Ҳўжалик даврида пахта ҳосилдорлиги 20 центнерга етмаган майдонлардан 40 центнерга етказилиб ҳосил олинди. Бугунги кунда фермер ҳўжалигининг 150 гектар ери бор. Йилдан-йилга пахта ҳосилдорлиги 57 центнерга, галла ҳосилдорлиги 61 центнерга ошди. Ўтган йиллар мобайнида фермер ҳўжалигининг соф фойдаси 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу йил ҳам галладан яхши ҳосил олинди. Пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариш ниятида жамоа аъзолари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Олинган даромад натижасида фермер ҳўжалигининг техника базаси мустаҳкамлаиб бораётди. 2 та ҳайдов трактор, 3 та "МТЗ-80", экиш агрегатлари, "ГАЗ" русумли машина, "Тико", "Нексия" русумли енгил автомобиллари бор.

Фермер ҳўжалигида 28 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 150-160 минг сўми ташкил этмоқда. Улар нафақат пахта ва галла етиштириш

Эзгу орзулар довони

улар бир-бир босиб ўтилмоқда

тириш билан чегараланиб қолмасдан, чорвачилик ва сабзавотчиликни ҳам йўлга қўйган. 52 бош қорамол, 120 бош қўй боқилмоқда. Ўтган йили 1320 килограмм

Қишлоқ мулкдорлари

гўш, 54 тонна сабзавот етиштирилди. Фермер Анорбой Эшматов саховатпеша инсонлардан. Тумандаги 6-31-мактабларни, "Самарқанд" қишлоқ врачлик пункти биноларини таъмирлашга қарий 6 миллион сўм, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 2,6 милли-

он сўм, тумандаги "Бешқарсақ" фольклор-этнографик дастаси учун 1,3 миллион сўм, қишлоқ йўлларини таъмирлаш учун 4,5 миллион сўм маблағ ажратди. Кам таъминланган оилаларга 5 бош соғин ситир инъом этди.

Дала бошида шинамгина дала шийпони бор. Шийпон атрофи бог-роғларга бурканган. Олма, анор, ўрик, шафтоли ва бошқа кўплаб мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Минглаб тул терак қўчалари иморатбоп бўлиб қолган.

Ҳа, интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да. Олижаноб инсон, саховатли ва тadbиркор фермер нимага интилган бўлса, ниятга етди. Ҳали унинг орзулари бисёр. Дала бошида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳечини барпо этиб, қишлоқ ёшларини ишга жалб этиш ниятида сазй-ҳаракатлар қилмоқда.

Бўрибой НОРКУЛОВ
Жиззах вилояти

Ишлаб чиқаришни янгилаш йўлида

«Самарқанд лифтсозлик заводи» очик акциядорлик жамиятида янги туркумдаги йўловчи ва юк ташинч лифтларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мамакатимизда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ва яратилган қулай сармолавий муҳит туфайли Россиянинг «Пересвет-инвест» компанияси ва «Самарқанд лифтсозлик заводи» очик акциядорлик жамияти ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди.

Завода тайёрланадиган уч турдаги йўловчи ва етти хил юк ташинч лифтлари ички эқтисодий қондириш билан бирга хорижага ҳам экспорт қилинади. Жумладан, 2008 йилда 3,5 миллион АКШ доллари миқдоридоги маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Шу йил май ойида Москвада ўтказилган «Лифтэкспо-2007» халқаро курғазмасида Самарқандда ишлаб чиқарилаётган лифтлар юқори баҳоланди. Бу заводнинг истиқболи юқсак эканидан далолат беради.

Ҳ.ХАСАНОВ,
УЗА мухбири

Самарқанд вилояти



Авал хулосага келиш


ЛОЗИМ

АҚШ конгрессининг вакиллари палатаси Жорж Буш маъмуриятининг Европада ракета зарбаларига қарши мудоффа тизимини яратиш режасига зарба берди.

Ўтган куни вақиллар палатаси ушбу режани молиявий таъминлаш тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини маъқуллади. Бу қонун лойиҳасига қўра, Европада бундай тизимни барпо этишга маблағ ажратиш мустақил экспертиза олиб борилгандан сўнг бошланиши лозим. Қонун лойиҳаси кучга киргандан 30 кун ўтиб, мустақил экспертлар гуруҳи Европада Эрон ва бошқа давлатлар баллистика ракеталари хавф солиш ёки солмаслигини ўрганиб чиқади. Шундан сўнггина режани молиявий таъминлаш хулосага биноан амалга оширилади.

Гааганинг ҳукми

Гаага халқаро трибунали Босния серблари армиясининг собиқ генерали Драгомир Милошевичга 33 йиллик қамоқ жазоси тайинлади. Собиқ генерал инсониятга қарши жиноятлар содир этишда айбдор, деб топилган.




Олиб борилган текширувлар хулосасига қўра, Драгомир 90-йиллар ўрталарида Сараевони қамал қилишда бошчилик қилган. Ушбу қамал вақтида юзлаб тинч аҳоли вақиллари отиб ўлдирилган. Бундан аввалроқ Драгомирнинг издо-

ши Станислав Галич ҳам ушбу айблов юзасидан умрбод озодликдан маҳрум этилган. Гаага трибунали шу вақтга қадар собиқ Югославия бўйича 142 та жиноий ишни кўриб чиққан. Собиқ Югославия юзасидан олиб бориладиган суд жараёнлари 2010 йилда аяқланади.

Хавфли режа фош бўлди

Покстон хавфсизлик кучлари мамлакат раҳбари Парвез Мушаррафга уюштирилиши режалаштирилган суиқасднинг фош этди.



«Ал-Қоида» террорчиларидан ташкил топган гуруҳ президенти Карачига таширф буюраётган вақтда шахардаги кўприклардан бирини портлатиб юборишни режалаштирган экан.

Тергов вақтида кўпоровчилар буни тасдиқлашган. Хавфсизлик кучлари террорчилар паноҳ топган хонадонлардан ушбу режани тасдиқловчи ҳужжатлар, қурол-яроғ ва портлатиб қурилмаларини қўлга киритган.

Бош котиб мурожаати

БМТ бош котиби Пан Ги Мун Ливан пойтахти Байрутда содир этилган кўпоровчиликни кескин қоралаб чиқди. Ўтган куни Байрут остонасидаги Баабра туманида қолдириб кетилган автомобилга портлатиб юборилган.

Президент қарорғидан чиқиб келаятган Ливан армияси генерали Франсуа ал-Хаж кўпоровчилик оқибатида ҳалок бўлган. Бу террорчилик ҳуружи раҳбарсиз қолган мамлакатда ўзаро нифокларни келтириб чиқаришга қаратилгани айтилмоқда.

Пан Ги Мун Ливан парламентига мурожаат этар экан, мамлакат раҳбарини зудлик билан сайлаш лозимлигини айтиб ўтган.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Шермат САНАЕВ тайёрлади.

Қарор ва ижро

Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида ҳўкуматимиз томонидан кенг қўламда сазй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, сифати яхшиланапти.

Ножўя иш – келтирар ташвиш

Жаркўргон туманида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор берилганлиги боис, кейинги йилларда аҳоли талабига мос истеъмол маҳсулотларининг турлари кўпаймоқда. Масалан, икки йил аввал ана шундай маҳсулотлар ҳақи 34 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 71 фоизга етди. Ёки туман иқтисодининг 58,5 фоизи тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар улушига тўғри келаяпти. Касаначилик, хўнармандчилик ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига аҳоли фаровонлиги таъминланиб, ободонлаштириш, кам таъминланган ва қарамонда ҳеч қимй йўқ кишиларни моддий қўллаб-қувватлашга имкон тузишмоқда.

Шундай бўлса-да, ўзи маҳсулот ишлаб чиқариб, кўпчиликка наф келтириш ўрнига, одамлар ризқига хиёнат қилаётган айрим «тадбиркор»лар ҳам йўқ эмас экан. Минор қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидоги А.Навойий номи маҳаллада яшовчи «Олпанур-Омад» хусусий қорхонаси бошлиғи Зокир Омоневга нима етишмайди, дерсиз. Ишласа бинийдек юмуш бор, ён-атрофдагилардан кам жўйй йўқ. Бирок у ноқонуний йўл билан кўмак дарамади бўлиш илкнзида 2100 килограмм уш маҳсулотини яширинча пуллаётганида ҳўкуматнинг идоралари ходимларини томонидан қўлга олинди.

Шунингдек, Гулҳовуз маҳалласида истикомат қилувчи Зўра Омонова ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 407-сонли қарорига эид равишда ишлаб чиқариш жойи ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган пахта ёғини сотаятганда ундан ана шу маҳсулот дилиний ашё сифатида олиб кўйилди. Айни пайтда тегишли ташкилотлар бу масала бўйича суриштирув ишларини олиб боришмоқда.

Ноқонуний ишларга чек қўйиш мақсадида солиқ инспекцияси ходимлари ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиҳот ишларини кўпайтирмоқда. «Дам», Янгиобод, «Соқия» каби маҳаллаларда шу мавзуга бағишланган семинар-кеңашлар ўтказилди. Самараси чакки эмас. Агар бу борадаги ишлар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўриلسа, амалдаги қонунларни бундан яхшироқ сезиларли даражада қамайди. Муҳими, яроқсиз маҳсулот рўзгор учун ташвиш келтирилгани истеъмолчилар ҳам англаб етмоқда.

А.РАҲМОНОВ,
Жаркўргон тумани ДСИ бошлиғи,
Омон ШУКУРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сурхондарё вилояти

Ғўза уруғчилиги: ютуқ ва муаммолар таҳлили

(Боши 1-саҳифада)

Бугун уруғчилик билан шуғулланадиган идораларнинг тўла фаолият юргизишлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бор. Ғўза уруғчилиги ҳам бундан истисно эмас. Сўнгги йилларда бу борада бир қатор ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар кўриляптики, бунинг самаралари кўзга ташланмоқда.



Анджонда республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Ғўза уруғчилиги муаммоларига бағишланган минактавий курғазмали семинар-кеңаш ўтказилди. Бундай йиғиннинг Анджонда ўтказилиши бежиз эмас. 2006 йил деҳқончилиги яқунлари бўйича вилоятнинг 14 та туманида фермерлар билан ўтказилган давра суҳбатларида ғўза уруғчилиги бош мавзуга айланди. Бир марта оғзи куйган одам катикни ҳам пуфлаб ичади. Ғўза

уруғчилиги бўйича кўтарилган масалалар вилоят ҳокимлигини бефарқ қолдирмади. Маалакали мутахассислар ва олимлар хулосаларига қўра, вилоятда тайёрланган уруғчилик қарий 50 фоизи давлат андозалари талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Охир-оқибат бошқа вилотлардан уруғлик чигит олиб келиниб, экилди.

Деҳқон билан бамаалахат иш тутмаслик натижасида табиий иқлим шароитга мос, истикболли «Анджон-35», «Анджон-36» навларини кўпайтириш чоралари кўрилмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, кўплаб деҳқонлар, мутахассислар бу навнинг истиқболини кўришаётганди. Вилоятда нав танлаш масаласида олинган фикрлар 2007 йил деҳқончилигида ўзини кўрсатди. Хар йили нав алмаштиришдан қўтилиш имконияти пайдо бўла бошлади.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги пахтачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Э.Норкулов, Ғўза уруғчилиги Республика маркази бошлиғи Т.Сатторов, Ўсимликларни химоя қилиш ва агрохимик маркази директори ўринбосари К.Бобоев, Қишлоқ ҳўжалиги экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослиги станцияси директори Ш.Кўзибоев ва бошқа мутасаддилар ўз сўзларини қўшиб оид фирмулоҳазалар билан ўртоқлашдилар.

Курғазмали семинар қатнашчилари «Анджон-пахта» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг уруғлик чигит тайёрлаш ҷеҳи фаолияти билан яқиндан танишдилар. Испаниянинг «ЮБУС» фирмаси технологияси жорий этилган ушбу ҷеҳда мавсум давомида

Хизмат

ти. Бу бизга банклар ўртасидаги рақобатда ўз мавқеимизни берапти. – Чиндан ҳам мазкур банкда хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилди. Шу босиб, миқозлар сонини ҳам ошиб бориши тайин. Мينيбанкларда эса уларга бизнес режалар тузишда, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини оширишда, консалтинг хизмати кўрсатиш борасида ҳам яқиндан ёрдам берилади. Бу эса фермер миқозлар учун қўшимча қўлайликлар туғдиради, ўз навбатида хизмат турларининг кенгайиши ва пировардида банк даромадининг ошишига хизмат қилади. Бугунги кунда банкнинг қишлоқ ва овуларда 40 та минибанклари ишлаб турибди.

– «Пахта Банк» билан узок йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаямиз, – дейди Кегайли туманидаги «Халқоқ модими» қорхонаси раҳбари Муродбой Қодиров. – Бу мавсумда жамоамиз Нукус, Кегайли, Чимбой, Қораўзақ, Ташкўпир туманларидоги фаолият кўрсатаётган минглаб фермерлардан 38 минг 179 тонна сифатли ҳосилни қабул қилиб олди. Тола чиқинми кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қорхонада кенг қўламли таъмирлаш ва модернизация ишлари амалга оширилган. Бу қўлайлик мавсум давомида ўзининг яхши самарасини берди. Хозирча бу йилги ҳосилдан 3 минг тонна сифатли тола ишлаб чиқарилади.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати қорхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан қорхонамизда 2007 йили кенг қўламда таъмирлаш ва модернизациялаш ишлари бажарилади, – дея суҳбатга қўшилди.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хотира уйғонса гўзалдир

Энг яхши дўкон ҳам, дўкончи ҳам тақдирланган

Қишлоққа ҳар ўн беш кун, бир ойда "қўйма дўкон" оралайди. Одамлар ётирилади. Ҳамма нимадир олиб қолиши керак. Ҳеч ким олаётган маҳсулотнинг сифатига қарамайди. Савдолашмай олаверади. Пачакилашиб ўтирадиган вақт эмас. Ахир тугаб қолиши мумкин. Яна қачон келади "қўйма дўкон"...



Яккабоғ тумани Яккабоғ қишлоғидаги "Шоҳжаҳон" хусусий савдо дўкони сотувчиларнинг қўли-қўлига тегайди. Дўконда ҳамма нарса бор. Озиқ-овқат маҳсулотлари, атторлик моллари, кийим-кечак, манший моллар. Туман маркази ёки шаҳарга боришга ҳоajat йўқ.

Ҳамкорлик самараси

Навий вилоятнинг Конимех туманидаги гилам тўқишга ихтисослашган "Конимех руно" қўйма корхонаси Зарафшон шаҳридаги "Велан" Ўзбекистон-Россия қўйма корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Эркул УМАР, ЎЗА мухбири

"Ўзгужисавдоинвест" уюшмаси ва Ўзбекистон Савдо-санот палатаси томонидан соҳа ходимлари ўртасида ўтказилган ушбу кўрик-танлов учун Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жаддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлди.

Танлов

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ жойларида турмуш маданиятини юксалтириш борасида ҳукуматимиз томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Ташкил этилган кўрик-танловдан кўланган мақсад — аҳолига савдо хизмати кўрсатиши, қишлоқлардаги замонавий савдо иншоотларини намуна сифатида кўрсатиш ҳамда фаолларни рағбатлантиришдир.

Йўналиши бўйича биринчи ўринга хоразмлик Зафар Шарипов муносиб топилди. Иккинчи ўринни Фарғона ва Андижон вилояти вакиллари олинган бўлса, учинчи ўрин навоийлик Мавлуда Бекбўтаева ва Тошкент вилояти Тошкент туманидан Елена Зверовага насиб этди.



Уларни бежизга номма-ном келтирмадик. Ахир, голибликни қўлга киритган

Ибрат

Дехқонларимизнинг йилни аjoyиб кўрсаткичлар билан якунашларида жомоамиз мутахассислари, механизматорларнинг ҳиссаси беқоёқ бўлди, — дея суҳбатда қўйилди "Адалет-Тахта" ММТП бош хосилоти Нуриддин Ақчабоев, — 53 та ҳайдов, 26 та чопиқ тракторлари, 26 та тиркама, 9 та комбайн, 15 та автомашиналар, бошқа ҳар турли русумдаги хизмат техникалари билан агротехника тадбирларининг вақтида, маромда ўтказилган таъминланди.

Тахтақўпирлик омилкорлар

Йил якунлари тахлил этилиб, келгуси йил режалари тузилмоқда. Барча қўйларда шудгорлаш пoёнига өтказилиб, өр майдонлари шўр ювишга тахт қилиб қўйилди.



савдо дўкони қайсидир дўконга қўшни ёки ён қишлоқларга таниш. Демакки, намуна бўлади.

Бу танловлар ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойлари, шаҳар ёки туман марказларидан олис ҳудудлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, сифатига эътибор беришни ривожлантиришга илғор тажрибаларни омалаштиришга хизмат қилади, — дейди ташкилий қўмита раиси, "Ўзгужисавдоинвест" уюшмаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Равадан Ҳамидбеков.

Анвар ҚУЛМУРDOB, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Чўлқуварлар устози

Шундай одамлар бўладики, уларнинг ҳаёти ва фаолияти бешафқат вақтинг ҳар қандай синовларига, замонау даврларнинг ҳар қандай эврилишларига дош беради. Ҳар қандай жамиятда бирдек хурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Эро, улар амалга оширган ишлар ҳамиша бирдек улкан аҳамиятга эга бўлиб қолаверади. Уларнинг самарасидан неча-неча авлодлар баҳраманд бўлади.

Ўзбекистонда ўсиб-ўлғайган Ақоп Саркисов Москвадаги Қизил профессура курсини битказиб қайтган, дастлаб халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида ишлади. 1937-1948 йилларда у Сирдарёда қурилган машҳур Фарҳод гидроэлектр станциясини бунёд этишга раҳбарлик қилди. Сўнгра бир муддат собик иттифок пахтачилик вазири Усмон Юсуповнинг ўринбосари бўлди. Катор янги гидроэлектр станциялари қурилишига өтачилик қилди.

1957 йилдан то умрининг охиригача (1971) "Мирзачўлқурилиш" бош бошкармаси, Ўрта Осиё чўлқурилиш бош бошкармаси бошлиғи сифатида Ўзбекистонда чўлқуриш ўзлаштириш соҳасидаги серкёрра ва самарали фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигида 400 минг гектар кўрик өрлар комплекс, янги ҳар томонлама ўзлаштирилди. Ана шу өрларда қўллаб пахтачилик, шoличилик ҳўжаликларини ташкил этилди ҳамда бу өрлардан самарали фойдаланишнинг тамоман янги-ча техник өчимлари асослаб берилди.

Ҳа Урта Осиёда кўрик ва бўз өрларни ўзлаштиришда ўзига хос мактаб яратганликлари учун юксак мукофот берилди.

Мухими, чўлқуриш ўзлаштириш борасида олиб борилган кўп йиллик машаққатли меҳнат самараси ўларoқ мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш, пахта, галла ҳамда бошқа экинлар майдонларини кенгайтириш, хосилдорлигини ошириш, янги очилган өрларда қўллаб ишчи ўринлари яратиш, аҳоли турмушини гўзал ва фаровон этиш имкони туғилди. Мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлашда чўлқуришдан ўзлаштирилган майдонлар фoят муҳим ўрин тутганлиги сир эмас.

Ақоп Абрамовичнинг энг муҳим хислати — у жонажон Ўзбекистонни, жон дилдан севар, унинг оққўнгил ва заҳматкаш халқига беҳад хурмат билан қарар, муқаддас эзгу аёнчалари ва расм-русумларини қўз қорачиридан саклашга интилар, ўзбек ёшларидан мазкур соҳанинг өтук мутахассислари тайёрлашга қатъият билан ҳаракат қиларди. Қатор йиллар давомида мамлакатимизнинг турли бурч-қарларида эoт масъул соҳаларда меҳнат қилган Ҳосн Назимов, Наҳим Маҳмодов, Абдулхай Тоиров, ўрш Ҳамидов, Эркин Турсунов, Мансур Абдураимов, Усмон Алимбеков ва яна бошқа қўллаб инсонлар ана шу ғамқорликдан, бениннат қўмақдан баҳраманд бўлган.

Дарвоқе, Ақоп Абрамович "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг содиқ ихлосманди, тахририятнинг яқин ҳамкори ва дўсти ҳам эди. У газета саҳифаларида эълон қилинган мақолаларини синчилаб ўқир, ўзининг самийий муносабатини билдириб турар, чўлқуварлар фаолиятига оид кўрилган муаммоларини зудлик билан ҳал этишга ҳаракат қиларди. Мухтасар қилиб айтганда, қатъиятли раҳбар бўлиш билан бирга, меҳнаткаш, зиёли ва камтарин инсон эди у. Ешу қари билан бирдек самийий муомала қиларди.

Шунинг учун ҳам Ақоп Абрамович Саркисовнинг Чигатои қабристонидagi қабрига қўйилган муаззам ёдгорлик пoйи ҳамиша алвон гулларга бурканиб туради. Жижзаҳ ва Сирдарё вилоятларини кесиб ўтувчи Саркисов номи тошқин ва сервис канал ҳамиша мавжаланиб оқади. Янги-янги өрларга жон бахш этиб, фидойи инсонларнинг эзгу ишлари, мунаввар хотираси мусаффо обихаёт сингари абадий ёнанилигидан далолат бериб туради.

Х.ТЕМИРОВ

"INVEST-KREDIT" = ишончли кўпирки

Банклар, молия муассасалари мамлакат иктисодийнинг асосий қон томирлари бўлиб ҳисоблангани дунё таърибасидан яхши маълум. Шу боис, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб, Президент Исом Каримов раҳнамоларида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, банк ва молия тизимини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Айни пайтда Ватанимизда қўллаб тижорат банклари ва банк муассасалари фаолият кўрсатаётган ҳамда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келтирилади.

Кредит — банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Кредит уюшмалари фаолият олиб бораётган мамлакатлар сони 120 дан ошиб кетди. Ер юзиди 148 миллион киши кредит уюшмаларининг аъзоси саналади ва мазкур уюшмалар хизматидан фойдаланади.

Ўзбекистонда эса кредит уюшмаларининг тарихи мустақилликка эришгандан сўнг, аниқроғи, 2002 йилнинг 4 апрелидан бошлади, айнан шу кун мамлакатимиз парламенти томонидан "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда 49 та кредит уюшмаси мавжуд бўлиб, уларга 50 миңдан ортиқ киши аъзо саналади.

Ана шундай муассасалардан бири — "INVEST KREDIT" кредит уюшмаси. Унинг ижрочи директори Ильдaр Юсупов билан бўлган суҳбатимизда кредит уюшмаларининг Ўзбекистонда аҳолининг кичик миқдордаги маблағларини кичик бизнесга йўналтириш ҳамда уюшмаларнинг омонатларини сақлаш хизматлари, шунингдек, бу борада тезлик билан ҳал қилиши лoзим бўлган муаммолар ҳусусида бўлди.

Кредит уюшмалари ҳеч бир жихатдан банклардан қолишмайди. Кредит уюшмалари ўз тарихида мижозларни жалмалган молиявий ширкат ҳисобланади. Банклар эса капиталлар жамлайди. Банклардан фарқи ўларoқ, кредит уюшмалари хизматидан фақат унинг аъзолари фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар банкларда мол-мулк айрим шакллар — акциядорлар қўлида жамланган бўлса, бошқарув ҳам мулкдорлар томонидан амалга оширилади. Аммо кредит уюшмаларида пай бадалининг миқдори қарамасдан, барча аъзолар тенг ҳуқуқли саналади (бир аъзо — бир овоз). Кредит уюшмасининг барча аъзолари уюшмани бошқариш ва фаолиятини назорат қилиш, муҳим қарорлар қабул қилишда бирдек иштирок этади. Кредит уюшмаларида маблағ банкда бўлган и сингари фойда олишга эмас, балки турли молиявий хизматлар тақдир қилиш йўли билан аъзоларнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади. Шу сабабли ҳам кредит уюшмаларида фойда бирламчи мақсад саналамайди. Бундан ташқари, олинган фойдани кредит уюшмалари аъзолари дивидендлар ёки тақдир қилинаётган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда кредит ресурсларини нарҳини камайтириш йўли билан қайтариб ҳам беради.

— Уюшма ходимларини танлашда нималарга эътибор қаратгансиз? — Биринчидан, барча ходимларимизнинг касбий маҳорати юқори даражада. Уларнинг қўлчилиги банк ва кредит уюшмалари соҳасида катта мактабни ўташган. Сайланадиган органлар: кенгаш, комиссиялар аъзолари молия соҳасидаги бошқарув фаолиятида катта малакага эга бўлган мутахассислардан ташкил топган. Барча масалалар тез, ўз вақтида ва аниқ ҳал бўляпти. Маслаҳатлар ўз вақтида бериб бoрилади. Кредит уюшмалари ҳеч бир жихатдан



Ильдар Юсупов билан бўлган суҳбатимизда кредит уюшмаларининг Ўзбекистонда аҳолининг кичик миқдордаги маблағларини кичик бизнесга йўналтириш ҳамда уюшмаларнинг омонатларини сақлаш хизматлари, шунингдек, бу борада тезлик билан ҳал қилиши лoзим бўлган муаммолар ҳусусида бўлди.

қўйиш ва аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади. Улар бир ойдан икки йилгача муддатда берилади. Бунда, албатта, кредит олаётган шахс гаровга нимадир қўйиши шарт: омонатлар, заргарлик буюмлари, тарихий ооори-этиқлар, транспорт воситалари, жиҳозлар, машина техника ҳамда қўйма мулк гаровга ўтади. Кредит уюшмасига молиявий бардор компания ёки ташкилот қафиллик, банк ёки сугурта компанияларини ҳам бериш мумкин.

Кредит уюшмаси кредитларни фақат ўз аъзоларига шартнома асосида мuddатли, қайтариш ва масъулият таъминлаш шартлари билан уюшма Кенгаши томонидан тасдиқланган кредит сийбатида мувофиқ беради.

Кредит сийбати берилаётган кредитларнинг энг катта миқдори, кредит бўйича мuddат ва фoизинг, гаров билан таъминлашнинг мақбул усуллари аниқлайди ҳамда берилган кредит устидан мониторинг олиб бoриш талабларини ўрнатади.

Кредит беришдан олдин шахсининг тўлов қобилияти инобатга олинади. — Сизлардан кўпроқ қайси соҳага йўналтирилади кредитларни олишда: истеъмол товарларини сотиб олишга ёки уй-жой қуришга, кичик корхоналарни соотиб олишга ёки унармандчиликни ривожлантиришга? — Турли мақсадларда олишда.

Масалан, Тошкентдаги "Электрон" қўйма корхонаси трансформатор ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсадида кредит олди. Кредит бериб биз ушбу қўйма корхонага импорт моллари ўрини босадиган махсулот ишлаб чиқаришга қўмақлашдик. Бизнинг кредитимиз қўмағида "Исомов Ассорт" хусусий корхонаси ўз қасбини кенгайтиришга муваффақ бўлди. "Прогресс РСФ" хусусий корхонаси эса кир ювиш қурунларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган шех қуриш ва унга керакли асбoб-ускуналар сотиб олишга муваффақ бўлди.

Уй меҳнати — тижувчилик, қандoлчилик билан шугулланаётган кишилар ҳам бизга мурожаат қилиб туришади. Биз уларга ҳамиша қўмақдoқ бўлишга интиламиз. Мамлакатимизда ўй меҳнатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти ва бизнинг кредитларимиз инсонларнинг ихтимойи ҳимоясини оширишга хизмат қилляпти. Биз янги иш ўринларини ташкил этиш аҳолини бадлигини ошириш, жамиятининг ихтимойи дастурини ривожлантиришда ўз ҳисса-мизини қўйляпти. Шунинг учун ишлаб чиқаришга йўналтирилган кредитларнинг узoқ муддатда беришни йўлга қўйганмиз.

— Кредит уюшмаси ва банкнинг ўртасида қандай фарқ бор? — Банклар бир неча асрдан буюн фаолият кўрсатиб келаяпти. Бугунги кунда ўз тарихида олти юздан зиёда пайчирлик қараб олган. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бoраётгани қувонarliдир. Депозитларнинг миқдори 1 декабрь ҳолатига 1 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Кредит уюшмасининг активи 2592 миллион сўмга өтди. Маблағини бизга қўйишни истоганлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

— Кредит уюшмаси ва банкнинг ўртасида қандай фарқ бор? — Банклар бир неча асрдан буюн фаолият кўрсатиб келаяпти. Бугунги кунда ўз тарихида олти юздан зиёда пайчирлик қараб олган. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бoраётгани қувонarliдир. Депозитларнинг миқдори 1 декабрь ҳолатига 1 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Кредит уюшмасининг активи 2592 миллион сўмга өтди. Маблағини бизга қўйишни истоганлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

— Кредит уюшмаси ва банкнинг ўртасида қандай фарқ бор? — Банклар бир неча асрдан буюн фаолият кўрсатиб келаяпти. Бугунги кунда ўз тарихида олти юздан зиёда пайчирлик қараб олган. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бoраётгани қувонarliдир. Депозитларнинг миқдори 1 декабрь ҳолатига 1 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Кредит уюшмасининг активи 2592 миллион сўмга өтди. Маблағини бизга қўйишни истоганлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

— Кредит уюшмасидан имтиёзли кредит олиш мумкинми? — Бизда имтиёзли кредитлар йўқ. "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ кредит уюшманинг барча аъзолари тенг ҳуқуққа эга. Бу жиҳат кредит беришга ҳам тегишли.

Шу сабабли ҳам кредит бериш, қончилимизда белгиланган таъминлаш асосида амалга оширилади. Кредит уюшмаси кенгаш комиссияси аъзолари, кредит уюшмаси ходимлари ҳамда уларнинг яқинлари билан уюшма аъзоларига нисбатан қўлаёроқ шароитлар асосида иш олиб бoришга йўл қўйляпти.

— Кредитларни қайтариш жараёни билан боғлиқ муаммолар ҳам бўлиб турадими? — Бу ерда назорат жуда қаттиқ. Кредитни қайтариш билан боғлиқ қундалик мониторинг юриляпти, гаров билан таъминлашга юқори талаблар қўйляпти. Кредитларнинг ўз вақтида ёки тўлиқ қайтармаган уюшма аъзоларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан пеня ҳисоблаймиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига — прокуратура, судга мурожаат қилиб, гаровини сотиш чораларини ҳам қўришни мoлoқ.

Кувонarliи жиҳати, бизда бундай ҳолисалар рўй бoради. — Кредит уюшмасига бўлган ишонч масаласи ҳам кун тартибда турса керак? — Шубҳага ҳолат йўқ, бизнинг омонатчиликларимизнинг пуллари ишончли қўлларда. Ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳатто, кредитни қайтариш жараёни билан боғлиқ тўсиқлар пайдо бўлганда ҳам гаров молиявий таъминотини орқали берилган суммалар қайтариб бериш имконига эга бўляпти. Кредит уюшмасининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминловчи қарорлар тизими мавжуд. Бир сўм ҳам кредит уюшмаси томонидан шунчаки, қандайдир таниш-ишончилик ёки бошқа алоқаларни инобатга олган ҳолда берилаётди.

— Шундай бўлса-да, қўлчилик турли фирибгарлар, юлчилар қанчалига тушиб қолишдан қўчашётгандe? — Назаримда бундай инсонларда профессионал қараш мавжуд эмас. Кредит уюшмалари билан молиявий пирамидалар ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Қолаверса, кредит уюшмалари Ассоциациясида мижозлар

маблағларини сақлашнинг яна бир қафoлати — ассоциациянинг Барқарорлик жамғармаси ҳам мавжуд. — Кредит уюшмаси аъзоларининг маблағларини сақлашни даражаси ҳам Марказий Банк томонидан назорат қилиб бoрилади. Кредит уюшмалари фаолиятини лицензиялаш ва уларга қўйилаётган талаблар, уюшмаларнинг молиявий ва касса операциалари назорати айнан Марказий Банк томонидан ўрнатилган. Кредит уюшмалари томонидан молиявий қонунбузарликка йўл қўйилмаслиги ва суиистеъмол қилинишни олдини олиш мақсадида Марказий Банк барча молиявий кўрсаткичлар орқали текширув олиб бoради, қонда бузилган ҳолатларда эса кредит уюшмасига нисбатан турли санциялар ҳам қўллашни мумкин.

— Кредит уюшмаси тарқалиб кетса-чи? — Бундай бўлмайди. Марказий банкнинг қатъий назорати ва қўмағи туфайли беш йил давомида кредит уюшмаларнинг банкротга ўраши ва мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажармаслиғи ҳоллари қайд этилмаган.

— Сиз "INVEST KREDIT"нинг кeлажакини қандай тасаввур қиласиз? — Ҳаммаси ўзимизнинг сай-ҳаракатларимиз, интилийимизга боғлиқ. Агар шу тахлит иш юритиб бoраверсак, жуда катта ютуқларга эришамиз, бунга шубҳа йўқ. Қўйилмалар ва кредитлар миқдорини оширишни режалаштириш ва шу йўл билан депозит ва кредитлар соҳасидаги хизматлар тури ва сифатини оширишни таъминлашни ҳамда кредит уюшмасини кенгайтириш чора-тадбирларини қўрляпти.

Албатта, бугунги кунда мамлакатимиздаги молия-банк тизимида кредит уюшмаларнинг улуши катта эмас. Лекин бу улуш кун сайин ўсиб бoришга ишонамиз. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган 2010 йилгача микроолиялаштиришни ривожлантириш Дастури айнан шунга йўналтирилган.

Ушбу Дастурни ҳаётига таътиқ қилиш микроолиялаштиришнинг (97 та микрокредит ташкилотлари ва 62 та кредит уюшмалари) мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олувчи ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатувчи самарали ҳамда рақобатбардор тизимини мавжуд келтиришни таъминлашга.

— Ильдaр Ильдoсович, Янги йил байрами ҳам эшик қоқмоқда. Ҳамюртларимизга байрам тилакларингиз? — Юртимизда байрамлар қўлаверганимиз Конституциясида қабул қилинган қон билан самийий муоборабд атамани! Барча-барчага Янги йил ҳам куддан келсин. Ҳеч кимнинг ҳонадониндан Тижувчи-хотиржамлик, файзу барака аримасин...

Ҳанифа ШАМШЕВА суҳбатлашди.

ОЛОВ АЗОБИ — ДУЗАХ АЗОБИ

Баъзида шахар кўчаларида ёнғин учирадиган машинанинг юракни ларзага солуви чинқиргани эшитиб, беихтиёр "Бир бечоранинг уйи куйди, — деган ўй ўтади кўнглингиздан. — Майли, уйи, мол-қоли куйсаям, жони омон қолсин-да", дея таассуф қиласиз.

Бежизга ўт балосидан асрасин, дейишмайди. Лекин баъзида ана шу фалокатнинг қурбони ёш болалар бўлса-чи? "Фалончининг боласи касал бўлибди", деган гапни эшитсангиз, бу гап сизга таъсир қилмаслиги мумкин, лекин "куйиб қолди", деган гапни эшитишингиз билан оғриқ азобини ҳис қилиб сесканиб қотасиз. Минг афсуски, кўпгина шундай воқеалар ўз бераётганини эшитамиз ёки гувоҳи бўламиз.

— Халқимизда "олов дўст — олов душман", деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, оловдан тўғри фойдаланилса, у беминнат хизматчи га айланади, агар озгина тизгиндан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ҳам-ташвиш олиб келади, кўпватга сабаб бўлади, — дейди биз билан суҳбатда ЎзР ИИБ ЁХББ

ёнғин-техник лабораторияси катта муҳандиси, капитан Камолдин Кўчқоров. — Таҳлилларга қараганда, 2007 йилнинг ўтган 10 ойи давомида республикамизда жами бўлиб 11318 та ёнғин содир бўлиб, 600 дан зиёд инсонлар турли тан жароҳати олишган ва 100 нафардан ортиқ

оғриси, чидашингиз мумкин, лекин куйганингни оғриғига чидашингиз ўзи бўлмайди. Ёш болалар-ку, майли, катта ёшли, забардаст эрақлар ҳам баъзида кўз ёш тўкишади. Бўлимимиз 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, тенг ярмини болалар ташкил қилади. Бундан икки йил олдин янги

бармоқларининг бари кесиб ташланибди. Энди бу болакай келажакда таянч нуқталаридан ажрагани учун яхши юроламайди.



— Хар куни бир нечталаб бемор болаларнинг куйган жойларини ювиб, бинт боғлаймиз, — дейди ҳамширалардан бири. — Эртасига боғланган бинтларни яна ечиб оламиз. Бинт очик жойга — ярага ёпишиб қолади, бинт-ни кўчириш худди терини

шилиб олиш билан баробар. Унинг оғриғини бир тасаввур қилиб кўринг-а...

Баъзида шундай азобларга маҳкум болалар касалхонадан чиққач ҳам қолган қандиқ уларни бир умр ноғирон қилиб қўйишдан ташқари эсдан чиқмайдиган ноҳуш хотирага айланади.

Фарзандларимиз кичкина эътиборсизлик туйғайи содир бўлган алананинг қурбонига

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмишган. Айнан болаларнинг қаровсизлиги оқибатида эса 1589 та ёнғин содир бўлиб, 3 нафар бола ҳалок бўлган.

Баъзида беҳосдан тангадек жойингиз куйса, оғриғига чидай олмайсиз. Энди тасаввур қилинг: 70 фоизгача куйган инсоннинг аҳолини. — Бизнинг бўлимимизга келтирилаётган болаларнинг кўпчилиги катталарнинг бефарқлиги туйғайи куйишдек дахшатли азобга дучор бўлишади, — дейди куйиниб Республика шохининг тиббий ёрдам илмий маркази комбустология бўлими мудир, шифокор Ўткир ака Комилон. — Дузах азобини олов билан, қайнаган сув билан таъриф-лашади. Бирор аъзоингиз

йил олди ва янги йил куни пиротехника воситалари орқали куйган болалар кўпайиб кетарди. Мана шу икки йиллик қаттиқ назоратдан кейин бундай ноҳуш ҳолатлар қаймайди.

Ҳа, шундай бефарқ оналар борки, бунинг бефарқлик деб ҳам бўлмайди. Шифохонага баъзида бешиқда ётадиган болаларни олиб келишаркан. Бола иссиқ ётсин, деб бешиқ тагига плита қўйиб, оқибатда ёниб кетган ёки бешиқдаги тўвак ичига иссиқ ўтиб кетиб, пишиб, мажруҳ бўлиб қолган болалар ҳам бор экан бу ерда. Энг янглич оқоёлардан бири 10 ойлик паркетлик бола-кайнинг танчага тушиб кетганини эшитиб, беихтиёр этингиз жунжиқади. Болакайнинг оёқлари чуқур куйгани учун

айланмасликлари учун катталар доимо зийрак бўлишлари керак. Бу борада тинимсиз тарбия-ташвиқот ишлари олиб бориш самарасиз кетмайди.

Барно СУЛТОНОВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

SPORT O'LAMIDA

Чемпионат якунланди

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукусда турон якка кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Биринчи бор ўтказилган чемпионатда 400 дан ортиқ курашчилар 27 вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Турон якка кураши сўнгги йилларда ривожланаётган спорт турларидан биридир. Шу боис, мусобақада Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия вакиллари куч синашдилар. Умумжамоа ҳисобида тошкентлик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди. Уларнинг олти курашчиси шохсунага кўтарилди. Мусобақа мезбонлари эса тўрт мартаба биринчи ўринни тантана қилиб, ўз муҳлисларини хурсанд қилишди. А.Абдусулaimонов (Қозғоғистон) ва Б.Каримов (Тожикистон) ватанлари га олтин медал билан қайтадиган бўлдилар.



Бокс

Куни кеча Қозғоғистоннинг Алма-ата шахрида ҳаваскор боксчилар ўртасида аънанавий халқаро турнир бошланди. Қозғоғистонда хизмат кўрсатган мураббий Менгер Хайрутдинов хотирасига олтинчи бор ташкил-лаштирилаётган мусобақада 12 давлатдан келган спортчилар бош соврин учун рингга чиқадилар.

Ёшларга ишонч катта

Улар қаторида юртимизнинг ёш боксчилари ҳам бор. Асосан Республика олимпия заҳиралари коллежи талабаларидан тузилган таркиб ўз омадларини синаб кўришади.

Хусусан, таркибдан Шохрўх Қажқоров (51 кг), Фарҳод Нажиmiddinov (54 кг), Уктам-жон Раҳмонов (60 кг), Азамат Саидов (64 кг), Азамат Эргашев (69 кг) ва Акмалжон Раҳмонов (91 кг) каби бир қатор нуфузли турнирлар ғолиблари ҳамда совриндорлари ўрин олган.

Павлик яна Тейлорга қарши

Профессионал боксининг ўрта вазнида икки йўналиш чемпиони — WBC ва WBO камарлари соҳиби Келли Павлик Нью-Йорк шахрида журналистлар билан учрашди.

Матбуот-анжуманида асосан Павликнинг Жермен Тейлорга қарши ўтадиган иккинчи учрашуви ҳақида фикр юритилди. Бу жанг 2008 йилнинг 16 февралда ўтиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, уларнинг биринчи ўйнашуви 29 сентябрь куни ўтказилиб, Келли Павлик ўттинчи раундда техник ноҳақ билан галаба қозонганди. Боксчилар ўртасида тузилган шартномага кўра, агарда ким мағлуб бўлса, реванш жанг ўтказиш ҳуқуқи эга бўларди. Профессионал рингларда катор галабаларни кўлга киритган Жермен Тейлор бундан унумли фойдаланиш ниятида эканлигини яширмаган.

Финалчилар маълум

Аргентина жамоаси "Бока Хуниорс" Японияда ўтказилаётган клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашуви га биринчи бўлиб йўналиш олиди. Ярим финалда Павлик Туниснинг "Этуаль Сахел" жамоаси рақиблик қилди.

Уйнинг тақдирини ягона гол ҳал этди. Биринчи бўлимнинг 37-дақиқасида жанубий америкаликларнинг ярим ҳимоячиси Нери Кардоса чиройли комбинацион ҳужумни якунига етказиб қўйди. 65-дақиқадан бошлаб "Бока Хуниорс" жамоаси майдонда 10 киши бўлиб ҳаракат қилишди. Фабиан Варгас кўпол ўйини учун қизил карточка "ишлаб" олди.

Иккинчи ярим финалда Европа чемпионлар лигаси ғолиби "Милан" Япониянинг "Урава Ред Даймондс" клубига қарши майдонга чиқди. Кларенс Зеедорфинг 68-дақиқада киритган голи "Милан" жамоасига галаба келтирди. Клублар ўртасидаги жаҳон чемпиони шу яқшанба куни аниқланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Ким ғолиб бўлади?

Шу кунларда шахмат бўйича Жаҳон Кубоги мусобақасининг финал баҳслари ўтказилмоқда. Унда испаниялик гротмейстер Алексей Широв АҚШ вакили Гата Камскийга қарши донна суряпти.

Ярим финал учрашувида Камский Магнус Карлсенни енгган бўлса, Широв рус шахматчиси Сергей Карякинни мағлуб этди. Ғолибликка асосий даъвогарлар мусобақа низомига кўра тўрт партиядан иборат беллашувада куч синашишади. Агар партиядарда дуранг натижа кайд этилса, қўшимча партия белгиланади ва у маълум вақт асосида ўйналади.

Мусобақа аввалида 128 нафар шахматчи курашга киришган эди. Олимпия тизими асосида, яъни мағлубиятга учраган спортчи Кубок баҳсларини тарк этаверган. Эслатиб ўтамиз, Жаҳон Кубоги ғолиби 16 декабрь куни маълум бўлади.



Футбол

Матбуот-анжуманида асосан Павликнинг Жермен Тейлорга қарши ўтадиган иккинчи учрашуви ҳақида фикр юритилди. Бу жанг 2008 йилнинг 16 февралда ўтиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, уларнинг биринчи ўйнашуви 29 сентябрь куни ўтказилиб, Келли Павлик ўттинчи раундда техник ноҳақ билан галаба қозонганди. Боксчилар ўртасида тузилган шартномага кўра, агарда ким мағлуб бўлса, реванш жанг ўтказиш ҳуқуқи эга бўларди. Профессионал рингларда катор галабаларни кўлга киритган Жермен Тейлор бундан унумли фойдаланиш ниятида эканлигини яширмаган.

Турфа олам

- Япония ишхоналарида ишчилар жума куни ишдан сўнг бундан бир дам олиш мақсади билан ресторанга бориб хумордан чиққунга ичадилар.
- Японияда дунда ягона бўлган келажак институти фаолият кўрсатади.
- Японларда бIRON бир киши билан учрашмоқчи бўлганда, меҳмонга борадга кечкиш кеңибри бўлмас гуноҳ ҳисобланади.
- Япония спорт мактабларида ҳақиқий шамширдан фойдаланиш ман этилган, бунинг ўрнига чаридан ишланган ва ҳаво тўлдирган қўлчилар қўлланади.
- Дунё бўйича хар бир дақиқада 27529124 литр пиво ичиларкан.

Халқ депутатлари Ўзғор тумани Кенгаши ўзоқ йиллар туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган, меҳнат фахрийси **Садулла ЎЛЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур ҳамдардик билди-радиг.

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Училишшунослик илмий-тадқиқот институти директори Зоҳиджон Зиядуллаевага пада-ри бузғуваси.

ФАЙЗУЛЛА ОТАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бойитилган ун — саломатлик гарови

Унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида журналистлар учун миллий мукофот учинчи танлови якунланди

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг аниқлаши-ча, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси анемиядан азият чека-ди. Шунинг 75 фоизи темир танқислиги туйғайи юза-га келади. Дунёнинг 189 та мамлакатидан атиги 48 тасида ун бойитилади. Ўзбекистон ҳам шулар жумла-сидан. Нон ёниш ҳарайида бойитилган ун ўзининг 95 фоизгача озухавий моддаларини сақлаб қолади.

Ўзбекистон ҳўкумати томонидан микро элементлар танқис-лиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2001-2003 йилларда республи-камизда Осиё Тараққиёти банки билан ҳамкорликда JFFR 9005 бошланғич-синво лойиҳа-си амалга оширилган бўлиб, унинг доирасида мамлакатнинг 14 та ун ишлаб чиқарувчи кор-хоналари унни витамин ва ми-нераллар аралашмаси билан бойитадиган махсус мослама — дозаторлар ўрнатилганди. 2003 йилда Ўзбекистон ҳўкумати та-шаббуси билан унни бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди. 2004 йилда республи-камизда минтақасидаги мамла-катлар ичида биринчилардан бўлиб ушбу дастурни амалга ошириш учун Озбекистонда я-шишлаглобал альянсини томони-дан ажратилган 2,8 миллион АҚШ долларини микдоридаги грантга эга бўлди.

Президентимизнинг 2005 йил 11 августдаги "Унни тўйин-тириш бўйича миллий дастур"и лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ оммавий ах-борот воситаларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бойитилган ун махсулотларини аёллар ва болалар саломатлиғига ижобий таъсири ҳақида кенг қўламли ёритиш масаласи қўйилган эди.

Яқинда унни бойитиш мил-лий дастурини доирасида Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги, Ўзбек-истон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда БМТ Болалар жамағатси томонидан жур-налистлар учун учинчи миллий мукофот танлови якунланди.

Танлов ғолибларини танта-нали мукофотлаш маросимида таъкидландики, учинчи марта-ба ўтказилаётган танлов темир анемияси муаммосини ОАВда ёритиш сифат даражаси сези-ларли равишда ошган. Ҳайъат аъзолари барча вилоят, шахар

ва туман телерадио, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан 80 дан зиёд вақил томонидан тақдим этилган 760 дан ортиқ ижодий ишларни тан-лов мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги, профессиона-лизм, ижодий ёндашув нуқтаи назаридан баҳоладилар.

Ғолибларга келгуси ижодий фаолиятларини ривожланти-ришлари учун қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кўварлари томони шунданки азиз мушаррай, танлов ғолиб-лари сафида сизнинг нашрин-гиз "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" газета-си "Миллий босма оммавий ахборот воситаларида лойи-ҳани энг яхши бриташи" но-минацияси бўйича биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Биз болажан халқимиз. Ўзе-бекистон деганда бу юртин яхши билган хорижликлар кўз олди-га нон келиши табиий. Ўзбек дастурхони нонсиз бўлмайди. Азиз, бебаҳо нонматнинг темир моддаси билан бойитилгани са-ломатлигимиз гарови эканлиги-ни танлов яна бир бор тасдиқ-лади.


Анвар ҚУЛМУРОВОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Шунингдек, бу гапни танловга йод танқислиги ва ош тузининг йодланши муаммолари акс этган ижодий ишлар бўйича янги номинация киритилган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳўкуматимиз томонидан бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумла-дан, шу йилнинг 3-майида "Йод етишмаслиги касаллик-лари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилин-ди. Масалалар ечимни қонун назорати га олинди.

Тадбирда йод етишмаслиги натижасида келиб чи-кадиган муаммоларни кенг ёритган, ош тузининг йод-ланши қанчалик муҳимлигини фаол тарғиб этган ОАВ вакиллари тақдирланди. Ғолиблар сафида Фаргона ту-манидаги "Водил ёғдуси" газетаси бош муҳаррири Собир Дадахўжаев бор.

СУРАТДА: Собир Дадахўжаев

М.УЛУФОВА олган сурат.



Давлат патентларига эга "AVTOTRAK" корхонаси

ЗИЛ... ГАЗ-52,53... ПАЗ... КАВЗ

автомобилларига дизеллар ўрнатади

ва тегишли хужжатлар беради

Автомобилларга ўрнатиладиган ҳолатда таъмирланган Д-243 (МТЗ) Д-144 (Т-28) ДИЗЕЛЛАР ВА А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авиа" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР, "ИКАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛТЕЛЛАРИ, КС-2561 русумли кран(Зил-130 га ўрнатиш мумкин) СОТАДИ.

Виллоятлардан электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарлар, худудларда иш ташкил этувчи вакиллари ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43

Республика акциядорлик тижорат банки «Фаллабанк»

Банк асосий воситаларини 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш учун махсус лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотни танлаш бўйича конкурсу эълон қилади. Конкурсад қатнашиш учун тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 700060, Тошкент шахри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй, 2-кават, 205-хона. Тел.: 133-41-16, факс: 133-47-92.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Уктам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

Автотранспорт — кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ДАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш нистаган усулда!

Махсулотлар сертификатланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тендли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сийимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3321" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz